

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 12 январь, № 8 (5175) Чоршанба

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



*БУХОРО. "Шофиркон экваториалтекс" масъулияти чекланган жамиятида эркаклар шими ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

### Бежирим либослар — экспортга

Бунинг учун 47 минг АҚШ доллари эвазига замонавий тикув машиналари харид қилинди. Ҳозир корхонада ойига ўртача 35 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, унинг асосий қисми экспортга жўнатилаяпти.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*ХЎЖАЙЛИ туманилик тадбиркор Ш. Полвонова томёпқич материаллари тайёрлашга ихтисослаштирилган кичик корхона ташкил этди.*

### Буюртмачилар мамнун

Ушбу хайрли ишни амалга оширишда тадбиркорга "Миллий банк"нинг туман филиалидан олинган 50 миллион сўмлик кредит қўл келди.

Корхона ишчилари томонидан яратилган дастлабки 10 миллион сўмлик маҳсулот ўзининг сифати ва пишиқлиги билан буюртмачилар эътиборини қозонди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*АНДИЖОН. Қўрғонтепа туманилик тадбиркор Ифтихор Жўраев саъй-ҳаракати билан сутни қайта ишлашга мўлжалланган "Ягона Шарқ замин" хусусий корхонаси фойдаланишга топширилди.*

### Дастурхон файзи

Ушбу лойиҳани амалга оширишда Халқ банкининг туман бўлимидан олинган 100 миллион сўмлик кредитдан самарали фойдаланилди. Корхонада ўтган қисқа муддатда 50 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, харидорларга етказиб берилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*НАМАНГАН. Чуст шаҳрилик пичоқ устаси Раҳимжон Убайдуллаев ўзининг ҳунармандлик маҳсулотларини экспортга йўналтира бошлади.*

### Чустлик устанинг хорижлик ҳамкорлари

Ҳунармандликдан барака топган Убайдуллаевлар оиласи ўтган қисқа муддатда россиялик ҳамкорларига 20 минг АҚШ долларилик 15 турдан ортиқ совғабоп пичоқлар етказиб беришди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида тадбиркор экспорт миқдорини ошириш мақсадида Мисрга ҳам миллий пичоқларимизни сотишни режалаштираяпти.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*НАВОИЙ шаҳрида "Сўғдиёна нон" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.*

### Мақсадли сармоя самараси

Самарқанд шаҳрида фаолият юритаётган "Шарқ саноати" концернига қарашли ушбу корхонага 750 минг АҚШ долларилик замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Айни пайтда 25 киши меҳнат қилаётган жамиятда кунига 7 тонна ун қайта ишланиб, 10 турдаги нон ва нон маҳсулотлари аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

Эътироф этиш керакки, корхона жамоаси ички бозорга дастлабки 122,4 миллион сўмлик маҳсулотини чиқаришга эришди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*УРГУТ туманида 50 минг АҚШ долларилик сармоя эвазига "Ургут Баржуш суви" хусусий корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ.*

### Ҳам сифатли, ҳам арзон

Ҳозир бу ерда йилига 300 минг донагача саккиз турдаги яхна ичимликлар тайёрланиб, ички бозорга чиқарилмоқда.

Айни пайтда корхонанинг иккинчи линиясини ишга тушириш ҳаракати давом этаётир. Лойиҳа амалга ошгач, бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга ортади ва қўшимча иш ўринлари яратилади.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида юртимизда фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашнинг муҳим бир омили сифатида оилавий бизнесни ривожлантириш лозимлигини таъкидладилар.***

# ОИЛАВИЙ БИЗНЕС – ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

**Мушоҳада**

Юртбошимизнинг масалани бу тарзда қўйишларида жуда катта маъно ва мазмун мужассам. Зеро, оилавий тадбиркорлик мамлакатимизда азалдан эъзозланиб, қадрият сифатида авлодлар онгида муҳрланиб келаётган оила институтини мустаҳкамлашнинг таянч нуқтаси ҳамда асоси эканлиги барчамизга аён. Содда қилиб айтадиган бўлсак, уй-рўзғор ва хўжалик юритиш борасидаги тадбиркорлик биз учун отамеросдир. Шу боисдан давлатимиз раҳбари ўз маърузасида "...бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди" деб алоҳида фикр билдирдилар. Ушбу фикрнинг бир жиҳати кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтиришга бориб тақалса, иккинчи жиҳати, бунга эришиш учун оилавий бизнеснинг ҳаётийлигини амалда таъминлаш вазифаси устувор этиб белгиланмоқда.

Табиийки, ота-онаси тадбиркор бўлган ўсмир ёшларда тадбиркорлик истаги кучли бўлади. Яъни ота ва онада ишбилармонлик ҳамда бизнес юритиш маданиятининг мавжудлиги ёшлар учун шундай ибрат намунаси ролини ўйнайдики, улар истиқболда яхшигина тадбиркор ва мулкдор бўлиб, аввало, ўз оиласи, қолаверса, Ватан равнақига ҳисса қўшадиган фуқаролар бўлиб етишишлари муқаррар.

Айни пайтда хусусий мулкка эга бўлиш ва келгуси авлодга мерос қилиб қолдириш ҳар бир оила олдидаги муқаддас вазифалардандир. Яъни эр ва хотин меҳнат қилади, орттирганларини, шунингдек, уй-жой, томорқаларини болаларига мерос сифатида қолдиришга, фарзандларининг камол топиши, ўқиши ва касб-ҳунар эгаллаши учун сарфлашга интилишади. Бу вазифаларни бажариш ҳам оиланинг катталаридан ўзига хос тадбиркорлик лаёқатию билим-салоҳиятни талаб қилади, албатта.

(Давоми 2-бетда).

# САДОҚАТ, МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ

## 2010 йил 12 январь куни пойтахтимизда «Ватанга қасамёд» ҳайкали очилди

***Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча талабларга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукаммал, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армиямизни барпо этиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бунинг самарасида бугун ҳарбий хизмат нафақат бурч, балки садоқат, матонат ва жасорат мактабига, том маънодаги шарафли ишга, миллий армиямиз юртимиз ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталигининг ишончли кафолатига айланди.***

**Ифтихор**

Муддатли ҳарбий хизматга чақириш бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг жорий этилгани миллий армиямиз қиёфаси ва мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартирди, жанговар тайёргарлигини юксалтирди. Айни пайтда Ватани ва халқи олдидаги бурчини ўтаётган йигитларнинг яшаш шароитини замон талаблари даражасига кўтариш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлаш масалаларига давлатимиз томонидан улкан эътибор қаратилмоқда. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг самарали тизими шаклланган.

Қуролли Кучларимиздаги ўзгаришлар жараёнида армиядаги маънавий-ахлоқий муҳит тубдан яхшиланди, ҳарбийларнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги юксалиб бормоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, армиямизнинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли бир восита борки, унинг номи — ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун ҳарбий бурчини адо этаётганини чуқур англаши ва тушуниши демакдир.

(Давоми 2-бетда).



# ЖАСУР ВА ШИЖОАТЛИ ЧЕГАРАЧИЛАР

## байрамни кўтаринки кайфият ва катта натижалар билан кутиб олишмоқда



*Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларироқ миллий армияни шакллантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши қуролланган, мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиямизга эга бўлдик.*

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

Эътиборли жиҳати шундаки, ҳозир миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ўғлонларимиз ўзларининг жанговар, маънавий, интеллектуал салоҳияти, айниқса, ўз юрти, халқи ва Президентимизга содиқлиги билан дунёдаги ҳеч бир армиядан кам эмасликларини амалда исботлаб келмоқдалар. Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларида хизмат қилаётган фидойи чегарачиларимиз мисолида буни яққол кўриш мумкин.

Сержант Отабек Раҳмонов юртимиз сарҳадларини ҳимоя қилишни Ватан олдидаги муқаддас бурчи, деб ҳисоблайди. Ана шу бурчга садоқат уни жасорат сари етаклаган бўлса, ажаб эмас. Гап шундаки, Отабек "Душанбе — Термиз" йўналиши бўйича қатнайдиган юк поездида умумий қиймати 124 миллион 128 минг сўмлик пиротехника воситаларининг давлат чегарасидан ноқонуний ўтказилишининг олдини олди. Бундай воқеалар унинг хизмати чоғида тез-тез учраб туради.

(Давоми 2-бетда).



# ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2010 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ҳамда 2011 йилдаги вазифаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.***

**Тадбир**

Йиғилишда комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларнинг, жумладан, 2010 йил учун белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, инновация ва инвестиция лойиҳаларининг ижроси, маҳаллий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турларини ва экспортбоп маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).

***Миллий байрамимиз — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан жойларда турли учрашувлар, давра суҳбатлари ва анжуманлар давом этмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган "Ватанга қасамёд" мажмуасида "Ўзбекистон Қуролли Кучлари — юрт тинчлиги ва хавфсизлигининг кафолати" мавзуида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.***

# ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

Республика Маънавият тарғибот маркази, Мудофаа вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирга турли вазирлик ва идоралар, жамоат, ижодий ташкилотлар вакиллари, ҳарбийлар, ёзувчи ва шоирлар, маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, маънавият тарғиботчилари ва талаба-ёшлар таклиф этилди.

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М. Ҳожиматов, Ўзбекистон мудофаа вазирининг ўринбосари Т. Ҳамроқулов ва бошқалар Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида замонавий талаб ва стандартларга жавоб

(Давоми 3-бетда).

**Анжуман**

***Пойтахтимиздаги "Истеъдод" жамғармасида "Устоз — шогирд анъанаси: амалиёт, тажриба ва истиқбол" мавзуида анжуман бўлиб ўтди.***

# АМАЛИЁТ, ТАЖРИБА ВА ИСТИҚБОЛ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда халқ таълими тизими раҳбарлари, илғор ўқитувчилар қатнашди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод таълим-тарбияси, камолотида ғоят муҳим ўрин тутувчи ўқитувчилар меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласига юксак даражада эътибор қаратилмоқда. Зеро, келажагимиз ворисларининг маънавий дунёқараши, билим ва тафаккурини бойитиш ҳамда улар қалбида она-Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини шакллантиришда меҳрибон устозлар, фидойи мураббийлар, ғамхўр ўқитувчиларнинг хизмати беқиёсдир.

Халқ таълими вазирлиги томонидан тизимда фаолият юритиб келаётган соҳа вакилларининг билим ва иқтидорини юксалтириш, касб маҳоратини мунтазам ошириб бориш, айниқса, уларнинг тажрибаси кенг оммалаштириб борилаётгани эътиборга лойиқ. Ана шу мақсадда изчил равишда "Устоз — шогирд мактаби" лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. Вазирлик томонидан юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида энг илғор, тажрибали 3339 нафар устоз-ўқитувчи аниқланиб, уларга ўн мингга яқин шогирд-ўқитувчилар бириктириб қўйилди.

— Мазкур тизим самарадорлигини ошириш мақсадида ўтган йилнинг май-июнь ойларида пойтахтимизда 28 нафар мураббий махсус ўқитилган эди, — дейди Халқ таълими вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи Файзулла Аҳмедов. — Ушбу лойиҳа доирасида ҳозиргача тўрт минг нафарга яқин педагог ўз билим ва маҳоратини оширди.

Анжуманда моҳир педагогларнинг иш тажрибасидан унумли фойдаланиш бўйича масофавий таълим технологияси, таълим тизимида инновацион технологиялар ривожи каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ БИТИРУВЧИСИ — ТАДБИРКОР

***2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда таълим муассасаларининг***

**453,4** **минг нафар битирувчиси тадбиркорлик фаолиятига жалб этилди.**

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида бу ёшлар эндиликда ўзлари қизиққан соҳалар бўйича шуғулланмоқдалар.

# ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИГА ДАХЛДОРЛИК

## туйғуси ёшларни юксак марралар сари етаклайди

***2011 йилнинг мамлакатимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши муносабати билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан пойтахтимизда "Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!" шиори остида корхона, ташкилот ва муассасалар ёшларининг II Республика анжумани доирасида бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда.***

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган анжуман "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг роли" мавзуига бағишланди. Унда Ҳаракатнинг юртимизда фаолият юритаётган корхона, ташкилот, муассасалар, йирик ишлаб чиқариш ва саноат корхоналаридаги бошланғич ташкилоти етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда парламент қуйи палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси И. Насриев, "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши раиси Б. Ғаниев ва бошқалар мамлакатимизда ёшлар учун барча шарт-шароит мавжудлиги, айниқса, юрт тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган етук мутахассисларни рағбатлантириш орқали уларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллиги тобора ошиб бораётганини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Бу борада қабул қилинаётган қонунлар, айтиш жоизки, ёш йигит-қизлар манфаатлари муҳофазасида муҳим дастуриламал бўлмоқда. Шу хусусда сўз борган тадбирда жорий йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилингани, бу эса, ўз навбатида, аҳолини, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда энг муҳим омиллардан бири экани алоҳида қайд этилди.

— Маълумки, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги ҳамда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузаларида бир қатор вазифалар белгилаб берилди, — дейди Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Низомиддин Сиддиқов. — Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожи учун янада кенг йўл очиб бериш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш масаласига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги айтиб ўтилди. Эътироф этиш керакки, давлатимиз раҳбари томонидан таклиф қилинган қонунларнинг аксариятида ёш йигит-қизлар манфаатлари қамраб олинган. Шу нуқтаи назардан, ҳозир парламентда ёшлар ҳаётига тааллуқли бўлган бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши мўлжалланмоқда.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Анжуман якунида иштирокчилар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари фаолияти билан яқиндан танишдилар.



**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

# ҚОНУНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАҚОЗОСИ

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасида "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Ушбу Қонун 1995 йил 30 августда қабул қилинган бўлиб, унинг ижросини таъминлаш бўйича тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва айни пайтда шу асосда муайян ишлар олиб борилаётир.

Хусусан, Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига катта зарар етказиши мумкин бўлган хавфли зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ҳамда бегона ўтлардан муҳофаза этиш бўйича бир қатор чораларни кўрмоқда. Айни пайтда уларни ўз вақтида аниқлаш, тарқалишига йўл қўймаслик ҳамда баъзи зараркунанда, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларни фитосанитар тоза ҳудудларга тарқалишининг олдини олиш каби вазифаларни ҳам амалга ошириб келаётир.

Тадбирда алоҳида қайд этилганидек, чет мамлакатлардан республикамизга уруғларни, ўсимликларни, кўчатларни, уларнинг қисмларини олиб келиш учун "Ўзбошдавкарантин" инспекциясининг импорт карантин рухсатномаси (ИКР) ва чет мамлакатларга экспорт қилинаётган карантин остидаги юкларга фитосанитар сертификати жорий этилган. Ўтган йил давомида мамлакатимиздан хорижий давлатларга экспорт қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига 116645 та фитосанитар сертификати берилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги "Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида 2005 йил 1 июлдан республика ичида ҳаракатда бўлган карантин остидаги юкларга фитосанитар сертификати бериладиган бўлди. 2010 йилда республикамиз бўйича бу борада 29310 та сертификат берилган.

— Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида қонунчилик базасини шакллантириш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил этилиб, мавжуд қонунларимизнинг аксариятини ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланган эди, — дейди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Лобархон Қосимова. — Шу нуқтаи назардан, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасида "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини такомиллаштириш борасида муайян ишлар олиб борилаётир. Ўрганишлар жараёнида аён бўлдики, амалдаги ҳужжатда ўсимликлар карантинига оид асосий тушунчалар батафсил ифодаланмаган.

Давра суҳбати якунида юқорида қайд этилган Қонунни янада такомиллаштириш, унда белгиланган меъёрларнинг тегишли вазирликлар, қўмиталар ва муассасалар ҳамда вилоятлар ҳокимликлари томонидан ижро этилиши юзасидан назорат-таҳлил ишларини олиб бориш зарурлигига доир тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**З. АШУРОВА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сўнгги йилларда мамлакатнинг турли ҳудудларидан танлаб олиниб ўрганилган оилалар бўйича ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, йилдан-йилга ўз даромад манбаи ва тирикчилик воситасига эга бўлган оилалар сони ортиб бормоқда. Бу рақам 2008 йилда 85,1 фоизни, 2010 йилда эса 89,6 фоизни ташкил этди. Кам таъминланган оилалар сони тобора камайиши, аксинча, юртимизда ўртача даромадли ва тўла таъминланган оилалар ҳисобининг ортиб бориши кузатилмоқда. Яна бир ҳолат: ёш оила аъзолари орасида кичик бизнесни юритиш учун банклардан имтиёзли кредит олишни истовчилар кўпаётир. Шуниси қувонарлики, кредит олиш учун банкларга мурожаат қилган ёш оилаларнинг вакиллари ҳар томонлама ўйлаб ишланган ўз бизнес режаларига эга. "Ким билан биргаликда бизнесни бошламоқчисиз?" деган саволга уларнинг аксарияти "турмуш ўртоғим билан" деган жавобни бермоқдалар. Шу каби маълумотлар мулкдор бўлишни истовчилар ўзлари учун оилавий бизнеснинг нақадар қулай имконият эканлигини тобора кенгроқ тасаввур қилаётганликларидан далолат беради.

# ОИЛАВИЙ БИЗНЕС – ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

Шу ўринда ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланмиш маҳалланинг бу борада алоҳида нуфузи борлигини ҳам таъкидлашни истардик. Оила ўзидан ўзи тадбиркор бўлиб қолмайди. Оилалар маҳаллалар бағрида яшайди ва маҳаллалар муҳитида уларнинг имконияти юзага чиқади. Хизмат сафарларида юрганимизда, бир манзарага гувоҳ бўламиз: айрим кўчаларда ёнма-ён ҳовлиларнинг дарвозалари олдида хонадонларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотувга чиқариб, териб қўйишади. Масалан, бир маҳалла кўрпа-тўшаги билан машҳур бўлса, бошқаси пичоқчилик, темирчилик буюмлари билан ажралиб туради. Буни кўриб, бир оила шуғулланган иш билан бошқаси ҳам шуғулланаверар экан-да, деган фикрга келасиз. Лекин аслида масаланинг туб моҳиятини ўйлаб қарасак, бунда ҳам катта маъно-мазмун бор экан. Бундай манзара ўша маҳалла ёки ҳудуддагилар муайян касаначилик ҳунарини асрлар мобайнида авлоддан-авлодга сақлаб келаётганлигидан дарак беради. Наманган вилоятида бир ҳунарманд тадбиркорлар хонадонида бўлганимизда, онахоннинг гаплари бизга жуда маъқул келди: "Эр-хотин иккимиз қайнотанинг дуолари билан шу ишни бошлаган эдик. Бошида жуда қийин бўлди. Ишимизни фарзандларга ҳам ўргатдик. Ҳозир иккала боламиз ҳам олий ўқув юртида ўқишмоқда. Юқори билим-малака билан тадбиркорлигимизни давом эттиришса, ишлари, албатта, ўнгидан келишига ишонамиз". Бугунги кунда иқтисодиёт ва тадбиркорлик ҳуқуқи бўйича замонавий билимларга асосланиб иш юритишни оддий қишлоқ тадбиркор аёли тушунибдими, демак, юртимизда хусусий мулкдорларнинг янги тоифаси шаклланмоқда, дейишга барча асослар етарли.

Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида "Давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир", деган ниҳоятда муҳим фикрни яна бир карра таъкидладилар. Оилавий бизнеснинг қонунийлигини таъминлашда мамлакатимизда муайян ишлар амалга оширилди. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинган 2011 йилда бу ишлар янада такомил топади ҳамда оила мустаҳкамлиги ва фаровонлигининг асоси бўлган оилавий тадбиркорликнинг ривожи учун бениҳоя аҳамиятли йил бўлиши, шак-шубҳасиз.

**Васила КАРИМОВА,**
**Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори, психология фанлари доктори, профессор.**

***Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 декабрдаги фармойишига биноан, мамлакатимизда "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" давом этмоқда. Унинг доирасида жойларда турли учрашувлар, семинар ва анжуманлар ҳам ўтказилаяпти. Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ томонидан "Йўл ҳаракати хавфсизлиги — умр фойдаси" мавзуида ташкиллаштирилган матбуот анжумани ана шулардан биридир.***

# ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ

Тадбирда юртимизда Президентимиз раҳнамолигида инсон саломатлигини асраб-авайлаш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, меҳнат жамоаларида профилактик тадбирлар ўтказиш, айни пайтда ушбу мавзуни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Фармойишда белгилаб берилган вазифаларнинг жойлардаги ижроси мунтазам таҳлил қилиб борилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ катта инспектори Акром Арзиев. — Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг ўз вақтида бажарилишига аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, оғир турдаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, кўча ва чорраҳаларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, тирбандликларни бартараф қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу борада олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижасида Тошкент шаҳри ҳудудида 2010 йилда йўл-транспорт ҳодисалари сони 2009 йилдагига нисбатан 7 тага камайганлиги эътиборлидир.

Матбуот анжуманида шу каби маълумотлар тақдим этилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган йиғилишдаги маърузаларида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш борасидаги вазифалар аниқлаб олинди.

2010 йилда комплекс бўйича жами 2 триллион

# ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

260,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2009 йилга нисбатан 119,1 фоизни ташкил этди. Аҳолига 1 триллион 357,2 миллиард сўмлик (114,5 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 413,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 194,9 фоизга бажарилди. Экспорт прогнози кўрсаткичлари 132,3 фоизни ташкил этди.

Йиғилишда соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида болалар спорти объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари, сузиш ҳавзаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, спорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни ўқув адабиётлари, дарсликлар билан таъминлашни янада яхшилаш, маънавий тарғибот, хорижий тилларни ва ахборот-коммуникация технологияларини ўргатиш борасидаги ишларни такомиллаштириш, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органларида ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишининг ҳолати, қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишнинг аҳволи, "ZiyoNET" ахборот таълим порталини ахборот ва таълим ресурслари билан бойитиш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган устувор вазифалар ижросини амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгилаб олинди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# САДОҚАТ, МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ

Ёш авлодни мард, жасур, матонатли, мустаҳкам иродали ва Ватанга садоқатли, ўз ҳаётини эл-юрт манфаати учун бахшида қилишга қодир ўғлонлар этиб тарбиялаш мақсадида Президентимиз ташаббуси ва ғояси билан пойтахтимизда Қуролли Кучларимиз шарафига муҳташам ҳайкал ўрнатилди.

Бу мажмуада азамат ўғлон давлатимиз тимсоли — байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун, ота-боболаримиз хоки осойиш топган қутлуғ заминнинг ҳар қарич тупроғини асраш учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилаётгани ифода этилган. Унинг елкаси узра эса ана шу мард ва жасур ўғлонга оқ сут берган, бағрида кўтариб вояга етказган, Ватан тимсоли — мунис ва мўътабар она ҳарбий хизматга отланган азиз фарзандига фотиҳа бериб, оқ йўл тиламоқда.

2010 йилнинг 12 январида мазкур ҳайкалнинг очилишига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг таклифига биноан, ўзида чуқур ҳаётий фалсафани, теран маъно-мазмунни мужассам ва ифода этган бу муаззам ҳайкалга **"Ватанга қасамёд"** деб ном берилди.

Юртбошимиз бу бетакрор мажмуа эл-юрт ҳимоячиси бўлган фидойи инсонларга қўйилган гўзал бадиий обида эканини алоҳида таъкидлади: "Шахсан мен ушбу бадиий мажмуани хаёлимдан ўтказар эканман, ўзимни бамисоли Ватанимга, эл-юртимга қасамёд қилаётгандек ҳис қилдим. Ўйлайманки, бугун мана шу майдонда турган ва эртага бу ерга зиёратга келадиган барча инсонлар ҳам шундай фикр, шундай хаёл билан бу ҳайкал пойида тиз чўкиб таъзим қилади".

Дарҳақиқат, қасамёд — халқимиз учун тил ва дил уйғунлигини, сўз ва амал бутунлигини, лафз ҳалоллигини англатади. Шу маънода, Ватанга қасамёд — мамлакатимизнинг эртасини, ёркин келажагини барпо қилиш йўлида ўз ҳаётини бахшида этаётган барча фидойи юртдошларимизнинг умуммиллий аҳдидир. Зеро, Ватанни ҳимоя қилиш, мардлик ва жасорат кўрсатиш фақат жанг майдонида эмас. Жавонмардлик кундалик ҳаётимиздан, халқимиз оғирини енгил қилишдан, ўз манфаатини эл-юрт равнақи билан уйғунлаштиришдан бошланади.

Ориятни, ғурур ва садоқатни ҳамма нарсадан устун қўядиган халқимиз учун ҳарбий қасамёд — шунчаки расмий тадбир эмас. Бу йигитлик шани, ору номусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъулиятли ва шарафли бурчни адо этишга бел боғлаб, аҳду паймон қилиш маросими, садоқат, мардлик ва жасорат тантанасидир.

Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида ўз кучига ишонган, руҳий дунёси, маънавий олами бақувват бўлган одам ҳар қандай оғир вазиятдан ёруғ юз билан чиқиб кета олишини таъкидлайди: "Ирода — бу аслида мустаҳкам ишонч демакдир. Иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан қўрқмайди".

Садоқат ва жасорат, аввало, эзгуликка бўлган ишончдан яралади. Ҳаётимиз осудалигини асраш наинки чегараларимиз дахлсизлигини муҳофаза қилиш, айни пайтда ўзимиз танлаган йўл, миллий қадриятларимиз ва эзгу фазилатларимиз бардавомлигини таъминлашдир. "Ватанга қасамёд" ҳайкали ҳар бир юртдошимизга ана шундай эзгу ва ҳаётий сабоқлар беради. Шу Ватанда киндик қони тўкилган барча инсонни жамият равнақи учун дахлдор бўлишга ундайди.

Миллий байрамимиз — Ватан ҳимоячилари кунига катта тайёргарлик кўрилаётган қувончли ва шукуҳли кунларда "Ватанга қасамёд" ҳайкали атрофи ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар, олий ҳарбий билим юртлари курсантлари, юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонлар бу муаззам монументни зиёрат қилар экан, унинг тимсолида жисмонан ва маънан етук, эл-юртимизга садоқатли ва мард йигитларимизни кўргандек бўлади.

— Ўтган йили ушбу монумент олдида биринчилардан бўлиб ҳарбий қасамёд қиларканмиз, халқимизнинг ишончи бизга ҳамиша мададкор бўлишига яна бир карра амин бўлдим, — дейди пойтахтимиздаги ҳарбий қисмлардан бирида йигитлик бурчини ўтаётган оддий аскар Шуҳрат Мирзаев. — Бу ҳайкал доим менга ўз аҳдимни, унга содиқ туриш масъулиятини эслатади,эл-юртимизга муносиб бўлишга ундайди.

"Ватанга қасамёд" ҳайкали олий ҳарбий билим юртларидаги ўқув жараёнида, хусусан, курсантларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини юксалтиришда ўзига хос монументал дарсликдир.

— Ёш авлодни мардлик ва матонат руҳида тарбиялашда бундай таъсирчан бадиий тимсолларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс, — дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти батальон командирининг ўринбосари, майор Мақсуд Ҳожиев. — Бугун ўқув муассасамиздаги кўплаб маънавият дарслари мазкур монумент олдида очиқ мулоқот тарзида ташкил этилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, ҳарбийларимизда ватанпарварлик туйғуси, ўзи танлаган соҳага бўлган қизиқиши ва интилиши янада кучаймоқда.

— Навоий шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйида тарбия топганман, — дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг 3-босқич курсанти Феруз Назаров. — Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлигига жавобан салоҳиятли офицер бўлиш, Ватанимиз ва халқимиз осудалигини асраш — биз учун улкан шараф. Ҳар гал шу монументни кўрганимда, қалбимда шижоат жўш уради, куч-қувватим ошади, иродам ва қатъиятим янада мустаҳкамланади.

Ҳар томонлама ҳаётий асосга, катта тарбиявий аҳамиятга эга бу муҳташам ҳайкал шу юртда униб-ўсган, унинг бугунги ва эртанги кунини ўйлаб яшаётган ҳар қайси инсонни бир зум фикрлашга, осуда, хотиржам ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етишга, унинг янада обод ва фаровон бўлиши учун ҳаракат қилишга, ўз ҳаётини аждодларимиздан мерос ор-номус асосига қуришга, садоқат ва жасоратга ундайди.

**Умид ЁҚУБОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# ЖАСУР ВА ШИЖОАТЛИ ЧЕГАРАЧИЛАР

## байрамни кўтаринки кайфият ва катта натижалар билан кутиб олишмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яқинда у 10 килограммдан ортиқ героин гиёҳванд моддаси ҳамда 70 миллион сўмдан ортиқ турли ноқонуний товар-моддий бойликларни ушлаб қолгани учун чегара қўшинлари қўмондони томонидан рағбатлантирилди. Унинг хизматлари давлатимиз раҳбарияти томонидан ҳам муносиб баҳоланди. Отабек Раҳмонов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ, хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик намуналарини кўрсатгани учун "Жасорат" медали билан тақдирланди.

— Юртбошимиз томонидан кўрсатилган бундай ғамхўрликдан жуда миннатдорман, — дейди у. — Айни чоғда бу рағбат менинг Ватан олдидаги масъулиятимни янада орттиради. Бундан кейин ҳам ҳар қандай нопок ниятларга қарши курашишда бор куч-ғайратимни аямайман.



Тиббий хизмат офицери Толибжон Абдухолиқов ҳам кўп йиллардан буён МХХ чегара қўшинларида хизмат қилиб келмоқда. Ўтган вақт мобайнида у тиббий ва ҳарбий маҳоратини оширди, замонавий техника ва технологияларни мукаммал ўзлаштирди. Эндиликда бу унинг фаолиятида қўл келаётир.

Мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллик байрами арафасида у давлатимиз раҳбари Фармонига мувофиқ, II даражали "Шон-шараф" ордени билан тақдирланди.

МХХ чегара қўшинлари сафида бундай азамат ўғлонларни кўплаб учратиш мумкин. Уларнинг орасида Каримжон Носиров ҳам бор. Ўтган йилда унинг хизматлари муносиб баҳосини олди. Президентимиз Фармонига мувофиқ, у "Шуҳрат" медали билан мукофотланди.

— Ҳозирги замонавий армияда хизмат қилиш ҳар бир хизматчидан муттасил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлашни талаб этади, — дейди Каримжон. — Шундан келиб чиқиб, имкон бўлди дегунча ўқишга, ўрганишга ҳаракат қилаяпман. Айни чоғда "Босс" лақабли хизмат итини жанговар амалиётларга тайёрладим. Яқинда унинг ёрдами билан давлат чегарасидан ноқонуний ўтиб кетаётган 8 та машинага юкланган 40 миллион сўмлик товар-моддий бойликларни тўхтатиб қолдик.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони ўтган йили Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида аскар, сержант ва офицерлар таркибининг хизматни ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий-маиший шароитларини изчил ва тизимли равишда яхшилаш, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий шаҳарчаларни қуриш ва реконструкция қилиш, уларда энг замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган барча қулайликларни яратиш бўйича қабул қилинган давлат дастурларининг тўлиқ бажарилишига алоҳида эътибор қаратган эди. Шундан келиб чиқиб, жойларда ҳарбий хизматчиларга янги уйлар берилмоқда. Бундай қувончли воқеалар чегара қўшинлари хизматчилари ҳаётида ҳам тез-тез бўлиб турибди. Ўтган йилда чегарачиларимиз оилалари учун жами 312 та хонадондан иборат кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилди. Жумладан, 2010 йилнинг 30 декабрь куни Бухоро шаҳрида МХХ чегара қўшинлари таркибидаги ҳарбий қисм хизматчилари учун янги тураржой биноси қуриб, фойдаланишга топширилди. Замонавий лойиҳа асосида барпо этилган 4 қаватли ушбу уй икки, уч ва тўрт хонали хонадонлардан иборат. Яқинда бир гуруҳ чегарачилар бу уйларга кўчиб ўтишди.



Бундай янги хонадонлар нафақат давлат чегарасини ишончли қўриқлаб келаётган ҳарбийлар, балки хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган марҳум чегарачилар оилаларига ҳам берилаётганлиги эътиборлидир. Хусусан, 2010 йил 6 сентябрь куни давлат чегарасини қўриқлаш, ўз хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган шартнома асосидаги оддий аскар Назиржон Эгамовнинг оиласига уч хонали хонадон насиб этди.

Хуллас, Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ўғлонларимиз ва уларнинг оила аъзолари 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини кўтаринкилик ва катта натижалар билан кутиб олишмоқда. Бундай кайфият уларга доимий ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

берадиган, юртимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу йўналишдаги эзгу саъй-ҳаракатлар самарасида бугун миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш ҳар бир йигит учун олий бурчга, фахрли ва шарафли ишга айланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва ғояси билан пойтахтимизда барпо этилган "Ватанга қасамёд" монументи юртимиздаги ҳар бир ёш учун чинакам ватанпарварлик, фидойилик ва мардлик тимсолидир. Бу ҳайкал ўз ҳаётини шу табаррук замин ҳимоясига бағишлаган йигитларнинг эзгу орзу-мақсадларини ўзида мужассам этган.

Бугун ушбу масканда мактаб ўқувчилари ва талаба-ёшлар учун маънавият сабоқлари, ҳарбий хизматчилар билан учрашувлар, маърифий анжуманлар ташкил қилинаётир. Бу ёшларни Ватанга садоқат, мардлик ва жасорат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Ватан ҳимояси ҳар бир йигит учун орият, мардлик ва матонат ишидир, — дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Мансурбек Абдуллаев. — Мазкур монумент азиз ва мўътабар Ўзбекистонимизни асраб-авайлаш бизнинг чин фарзандлик бурчимиз эканидан сабоқ беради.

Аброр Тешабоев ҳарбий қисмлардан бирида ўз йигитлик бурчини ўтагач, имтиёзли йўлланма асосида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси бўлди.

— Замонавий шарт-шароитларга эга миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш, сўнг ҳаётда муносиб ўрин топиш учун қатор имтиёзларга эга бўлиш Президентимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликлар самарасидир, — дейди А. Тешабоев. — Буларнинг барчаси бизни она-Ватанимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, унинг шуҳратини янада юксалтириш йўлида ўқиб-изланишга ундайди.

Тадбир иштирокчилари "Ватанга қасамёд" монументи пойига гуллар қўйдилар.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Жараён

## Сув таъминоти яхшиланди

***Жондор туманининг "Мирзаён" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Қоракумори, Обод, Тупрез, Раҳимобод маҳаллаларида яшовчи уч минг нафардан зиёд аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.***

Бунинг учун туман "Сувоқова" бошқармаси томонидан 396 миллион сўм сарфланди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Кейинги йилларда мамлакатимизда кўплаб замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида хорижий технологиялар, инвестициялардан кенг фойдаланилаётгани, ишлаб чиқаришни модернизациялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани шундан далолат беради.***

***Айниқса, Президентимизнинг 2009 йил 19 июндаги "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ушбу йўналишда янги уфқларни очиб бермоқда. Пойтахтимизда ташкил этилган "Plattas" шўъба корхонаси фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади.***



# ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

**Иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши туфайли юртимизда маҳсулот тайёрлаш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда.**

Мазкур корхона кўп тармоқли бўлиб, ҳозирги кунда бу ерда деворбоп ва шифтлар учун мўлжалланган замонавий гипсокартонлар, қурилиш гипси ва маҳаллий хом ашёлар асосида турли қуруқ қурилиш аралашмалари тайёрланмоқда. Бунда, табиийки, хорижий технологиялар ўрнатилгани муҳим аҳамият касб этаётир.

Масалан, гипсни олиб кўрайлик. У энг қадимий қурилиш материалларидан ҳисобланади. Дастлаб табиий гипс тошига термик ишлов бериш натижасида кальций сульфатнинг яримгидратли бирикмаси ҳосил қилинади. Ушбу жараён паст ҳароратда, тежамкор технология асосида амалга оширилади. Ҳосил бўлган яримгидратли бирикма туйилганда, оқ кукунга айланади. Майда кукундан иборат кальций сульфат эса сув билан аралаштирилгач, гипснинг қотиш хусусияти намоён бўлади. Қурилиш саноати учун гипс ва гипс маҳсулотлари илгари, асосан, Россиядан келтириларди.

— Бугунги кунда, мамлакатимизда Маҳаллийлаштириш дастури асосида кўплаб қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда, — дейди "Plattas" шўъба корхонаси раҳбари Музаффар Ражабов биз билан суҳбатда. — Гипс боғловчиси — шулардан бири. Унинг аҳамияти шундаки, гипс асосида ишлаб чиқарилаётган қуруқ қурилиш аралашмалари четдан келтириладиган, қурилишда пардозлаш учун ишлатиладиган шпатлевкаларга бўлган эҳтиёжни кескин камайтиради.

Маҳаллийлаштириш

Айни чоғда улар девор ва шифтларни, хусусан, гипсокартондан тайёрланган девор ва шифтларни текислашда, пардозлаб, ажойиб безак беришда ўзига хос хусусиятга эгадир.

Шуни эътиборга олиб, "Plattas" шўъба корхонаси ҳар йили юз минг тонна юқори сифатли гипс ишлаб чиқариш учун Бухоро вилоятида замонавий технологик линияни фойдаланишга топширди. Бу линия ёрдамида тайёрланган гипс боғловчиси ва полимер қўшимчалар асосида йилига 25 минг тонна қуруқ қурилиш аралашмаси "Kashif" русуми билан тайёрланмоқда. У юқори сифатли бўлиб, жаҳон стандартлари талабларига тўлиқ жавоб беради.

Қолаверса, мазкур материал хоналарнинг шифт ва деворлари, гипсокартон билан қопланган юзаларини пардозлашда катта иқтисодий аҳамиятга эгадир.

Айни пайтда, мутахассисларнинг фикрича, офисларда, аҳоли истиқомат қиладиган хонадонларда турли дизайндаги гипсокартонлардан фойдаланиш инсон саломатлиги учун ҳам фойдали эканлиги тасдиқланди. Зеро, гипс боғловчиси асосида ишлаб чиқарилган бундай қурилиш материаллари "нафас олувчи" хусусиятга эга бўлиб, улар ёз фаслида намлик ажратса, қишда намни ютиш орқали хоналарда мўътадил ҳароратни сақлаб туради. Физик ҳамда гигиеник хоссаларига кўра, улардан уй-жой қурилишида ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Қисқача айтганда, "Plattas" маҳсулотлари экологик тоза бўлиб, бундан ташқари, хоналарни ташқи шовқинлардан муҳофазалайди. Муҳими, улардан фойдаланиш технологик жиҳатдан анча қулайдир.

Шу боис республикамизда гипсокартонга нисбатан талаб-эҳтиёж кундан-кунга ошиб бормоқда. Табиийки, бунда шўъба корхонанинг ҳиссаси катта бўлаётир. Гап шундаки, ички бозорни йилига 10 миллион квадрат метр гипсокартон билан таъминлаш учун Тошкентдаги "Plattas"да янги технологияни қуриш ва монтаж қилиш ишлари якунланиб, бу ерда шундай маҳсулотни ишлаб чиқариш бошланди.

— Корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотларга хорижда ҳам талаб юқори эканлигини ҳисобга олиб, келгусида Марказий Осиё, МДҲ мамлакатлари билан ўзаро савдо алоқаларини ўрнатиш ниятидамиз, — дейди суҳбатдошимиз. — Айни чоғда, халқаро қурилиш кўргазмаларида қатнашиб, маҳсулотимиз экспорти салоҳиятини янада оширмоқчимиз. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш билан бирга, илмий изланишларни изчил олиб бораётганимиз натижасида қурилиш саноати учун жуда зарур бўлган, намликка ва ёнғинга бардошли гипсокартоннинг янги турларини яратаяпмизки, яқин кунларда уларни тайёрлаш ўзлаштирилади.

Мақсадимиз битта: у ҳам бўлса, ўзимизнинг юртда янги технологиялар асосида ўзимизнинг маҳсулотимизни ишлаб чиқариб, аҳоли ва қурилиш ташкилотлари эҳтиёжини қондириш билан бирга, уни хорижга ҳам экспорт қилиш. Демак, корхонамизда янада сифатли, янада рақобатбардош, замонавий маҳсулотлар тайёрлаш жараёни давом этаверади.

**Маъсуда ЁҚУБОВА.** t




# «Энг намунали милиция таянч пункти»

***Қарши шаҳрида "Энг намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

Республика Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, "Маҳалла" жамғармаси каби қатор ташкилотлар томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 14 та милиция таянч пункти вакиллари қатнашди.

Танлов

Якунда Қарши шаҳридаги "Хонтепа" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 290-милиция таянч пункти танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Шунингдек, тадбир доирасида "Энг маҳоратли профилактика инспектори", "Энг фидойи маҳалла маслаҳатчиси", "Ёш авлод ҳимоячиси", "Энг ташаббускор маҳалла посбони" каби йўналишлар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 11 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1636,79 | 1 Малайзия ринггити | 535,81 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2554,39 | 1 Польша злотийси | 546,79 |
| 1 Дания кронаси | 284,75 | 1 СДР | 2506,80 |
| 1 БАА дирҳами | 447,58 | 1 Туркия лираси | 1045,71 |
| 1 АҚШ доллари | 1643,86 | 1 Швейцария франки | 1704,19 |
| 1 Миср фунти | 283,48 | 1 евро | 2172,21 |
| 1 Исландия кронаси | 13,92 | 10 Жанубий Корея вони | 14,67 |
| 1 Канада доллари | 1654,45 | 10 Япония иенаси | 197,91 |
| 1 Хитой юани | 247,88 | 1 Россия рубли | 54,16 |
| | | 1 Украина гривнаси | 206,54 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Осмонўпар бино қурилади

***Хитой пойтахти Пекин шаҳрида дунёдаги энг катта бино қуриш режалаштирилмоқда.***

Манбага кўра, у баландлиги бўйича Бирлашган Араб Амирликларида бунёд этилган "Бурж Халифа"дан (828 метр) ҳам юқори бўлади. Шунингдек, мазкур иншоот таркибидан етти юлдузли меҳмонхона жой олади. Қурилиш ишларини Саудия Арабистони молиялаштиришини билдирган. Қарийб 1,4 миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳа маҳаллий компаниялар томонидан амалга оширилади.

Ҳозир Хитойдаги энг баланд бино Шанхай савдо маркази бўлиб, у 552 метрга тенг. Бундан ташқари, айни кунларда 632 метрли Шанхай минорасини қуриш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

## Сурункали ёмғир оқибати

***Австралияда кузатилаётган сув тошқинлари туфайли талафотлар кўлами тобора ортиб бормоқда.***

Айниқса, мамлакатнинг Тувумба ва Квинсленд каби шаҳарларида вазият таранглашган. Сўнгги бир неча кун ичида бу ҳудудларда табиий офат саккиз кишини ҳаётдан олиб кетган, 72 киши бедарак йўқолган.

Сув тошқинларига тинимсиз ёққан ёмғир сабаб бўлган. Умуман, фалокатдан икки юз минг нафар одам зарар кўрди, икки юздан ортиқ шаҳарни сув босди.

## «Олтин тўп» соҳиби

***Швейцариянинг Цюрих шаҳрида жаҳоннинг "Энг яхши футболчиси"га топшириладиган "Олтин тўп" совринининг 2010 йилдаги соҳиби маълум бўлди.***

ФИФА ва Франциянинг "France Football" нашри ҳамкорлигида ташкил этиладиган сўров якунларига кўра, бу эътирофга "Барселона" ва Аргентина терма жамоаси ҳужумчиси Лионель Месси лойиқ топилди.

Шунингдек, тадбирда йилнинг "Энг яхши мураббийи" номи ҳам эълон қилинди. Бу шарафга 2010 йилда Миланнинг "Интер" клуби билан Европа чемпионлар лигаси, Италия чемпионати ва кубогида зафар қучган португалиялик мутахассис Жозе Моуриньо муносиб кўрилди.

## Парвозлар бекор қилинди

***Кучли қор бўронлари АҚШ жанубида самолётлар қатновини издан чиқарди, дея хабар тарқатди "Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги.***

Жумладан, "Delta Air Lines" авиакомпанияси 9 январь куни 330 та, 10 январда 270 та парвозни амалга ошира олмаган. Даллас аэропортида эса режадаги 200 та халқаро рейс бекор қилинган. Бундан ташқари, кўчалар қор уюмлари билан қопланганi боис автомобиллар ҳаракатида муаммолар кузатилмоқда. Баъзи ҳудудларда қорнинг қалинлиги 20 сантиметргача етган.

АҚШ миллий метеорология хизмати бундай об-ҳаво шароити яна бир неча кун сақланиб туриши мумкинлигини маълум қилди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***









